

паррандалар қонидаги гемоглобин, умумий оксил, кальций, аорганик фосфор ва каротин микдорини аниқлаш билан рациондаги озиқалар тўйимлиги ва организмдаги моддалар алмашинуви картограммаларини тузиш;

- Паррандаларда А гиповитаминозини олдини олишга қаратилган гуруҳли профилактик даволаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш.

Текширишлар объекти ва услублари. Илмий тадқиқотларнинг экспериментал қисми 2015-2016 йилларга мўлжалланган бўлиб, Самарқанд Пойарик ва Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги паррандачилик фермер хўжаликларида бажарилади.

Лаборатория текширишлари СамҚХИ Акушерлик геникология ва юқумсиз касалликлар кафедраси биокимёвий лабораторияси, озиқаларнинг тўйимлилиги ва таркиби СамҚХИ озиқлантириш кафедрасида ўтказилади.

Текширишлар объекти сифатида 1-3 ойлик жўжалар ва 1-1,5 ёшдаги товуклар олинади. Ҳар бир гуруҳдаги паррандалар бош сони 10 тани ташкил этади. Тажрибалар учун ҳайвонлар «ўхшаш жуфтликлар» тамойили (И.П.Кондрахин, 1980) асосида эталон гуруҳларга ажратилиб, уларда клиник статус аниқланади.

Паррандаларнинг сақланиш шароитлари ва озиқлантирилиши, озиқа рационларининг таркиби ва тўйимлилиги таҳлил қилиниб, шулар асосида «озиқалар тўйимлилиги картограммаси» тузилади.

Паррандалардан олинган қонда гемоглобин (гемоглобин-цианидди усули), глюкоза (Ортолуидин билан рангли реакция), умумий оксил (Рефрактометрик усули), каротин (Карр Прайс усули, Юдкин модификацияси), умумий кальций (В.П.Вичев, Л.В.Каракашов усули), аорганик фосфор (Пулс бўйича В.Ф.Коромыслов ва Л.А.Кудрявцева усули) микдорлари аниқланади. Шулар асосида «моддалар алмашинуви даражаси» картограммаси ўрганилади.

Олинган натижалар асосида 1-3 ойлик жўжалар ва тухум бераётган товуклар да А гиповитаминозини олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш мақсадида бир неча серияда тажрибалар ўтказилади.

Гуруҳли профилактика қилиш воситалари сифатида организмда ҳазм жараёнини яхшиловчи восита – пробиотиклар, оксил алмашинувини яхшиловчи – аминокислоталар, витаминлар ва минерал моддалар сақловчи – премикслар рационга қўшиб берилади ва уларнинг организмга таъсири ўрганилади.

Тажрибалар асосида паррандаларда А гиповитаминозини даволаш ва олдини олишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилади.

Тажрибаларнинг самарадорлиги клиник ва гематологик кўрсаткичларнинг яхшиланиши, паррандаларнинг маҳсулдорлиги даражасига қараб баҳоланади.

БУЗОҚЛАРДА АЛИМЕНТАР АНИМИЯНИНГ КЛИНИК БЕЛГИЛАРИ

С.Д.Худайбергенов – магистратура талабаси, Б.М.Эшбуриев – доцент

Мавзунинг долзарблиги. Республикамиз Президентининг 2006 йил 23 мартдаги 308-ва 2008 йил 21 апрелдаги 842- сонли қарорларида чорвачиликни жадал ривожлантириш, халқимиз учун экологик жиҳатдан тоза ҳамда тўлақимматли чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни жадал технологиялар асосида кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Бу борада ветеринария фани ва амалиёти олдига шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида қарашли чорва молларининг касалликларига қарши курашиш ва даволашнинг самарали, камчиқим усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш орқали маҳсулотлар таннархини камайтиришга эришишдек долзарб вазифалар қўйилган.

Ҳайвонларнинг юқумсиз касалликлари бу муаммоларни самарали ҳал этишга бирмунча тўсқинлик қилмоқда. Бу касалликлардан “**Алиментар анемия**” - қон ишлаб чиқарилишининг бузилиши, қон таркибидаги гемоглобин концентрациясининг камайиши, моддалар алмашинуви жараёнларининг сусайиши, натижада ҳайвонларнинг ўсишдан

қолиши ва организм резистентлигининг пасайиши билан характерланади. Касаллик аксарият ҳолларда рахит, А ва Д гиповитаминозлари ва бошқа касалликлар билан биргаликда ривожланади.

Бузоқларнинг ушбу юқумсиз касалликлари чорвачилик фермер хўжаликларида катта иқтисодий зарар етказмоқда. Иқтисодий зарар бузоқларнинг ўсиш ва ривожланишдан қолиши, касал бузоқларни даволаш учун ветеринария харажатларининг кўпайиши ҳамда уларнинг кўплаб нобуд бўлишидан келиб чиқади.

Алиментар анемиянинг асосий сабаби организмда темир моддасининг етишмаслиги оқибатида қон ишлаб чиқарувчи аъзолар фаолиятининг бузилиши ҳисобланади. Шунинг учун касаллик “темир тақчиллиги анемияси” - деб ҳам аталади. Лекин, кейинги йилларда, озиқалар таркибида протеин, кобальт, мис, рух ва витаминларнинг етишмовчилиги ҳам касалликка сабаб бўлиши маълум бўлди. Яъни, алиментар анемия полиэтиологик касаллик ҳисобланади.

Касаллик темир ва бошқа элементларнинг ичаклар орқали сўрилишининг ёмонлашиши, рационда аскорбин кислотаси, токоферол, олтингугурт сақловчи аминокислоталарнинг етишмовчилиги ҳамда органик кислоталар ортқича бўлганда ривожланиши мумкин. Радионда темир ва шунингдек, кобальт, мис, рух элементларининг етишмаслиги организмда гемоглобин, мускуллар миоглобини, гем сақловчи ферментлар: цитохромоксидазалар, цитохром, пероксидазалар ва бошқалар синтезининг камайиши, оксидланиш – қайтарилиш жараёнларининг сусайиши билан кечади. Эритропоезнинг жадаллиги пасаяди, тўқима ва аъзоларнинг кислород билан таъминланиши ёмонлашади ва оқибатда гипохром анемия ривожланади, моддалар алмашинуви издан чиқади.

Тадқиқотлар объекти ва услублари. Тажрибалар Самарқанд вилояти Пастдарғом туманининг “Жура”, Тайлоқ туманининг “Сиёб Шавкат Орзу” қорамолчилик фермер хўжаликлари шароитида ўтказилди.

Бунда бузоқлар орасида алиментар анемия касаллигининг тарқалиши ўрганилди.

Бузоқларда алиментар анемия касаллиги “Сиёб Шавкат Орзу” фермер хўжалигида текширилган 168 бош 3 ойликдан катта бузоқларнинг 44 бошида (26,1%), “Жура” фермер хўжалигида текширилган 86 бошдан 18 бошида (20,9%) қайд этилди.

Бузоқларнинг клиник текширишлар натижасида 3 ойлик сутдан ажратилган бузоқларда алиментар анемия касаллигини клиник намоён бўлиши ўрганилди.

Бузоқларда алиментар анемиянинг белгилари, шиллик пардаларнинг оқариши, терининг қуруклашиши ва оқариши, тери қопламаси ялтироқлигининг пасайиши, хурпайиши, синувчан ва тушувчан бўлиши каби белгилар билан характерланади.

Бузоқларда иштаҳа ўзгарувчан бўлиб деворлар ва охирларни ялайди, кўпчилик бузоқларда сурункали ич кетиши кузатилди.

Касалланган бузоқларда ҳолсизланиш, умиртқа поғонасининг букчайиши (кифоз), ҳаракатланганда гандираклаш, кўп ётиш, пульс ва нафас тезлашиши деярли барча бузоқларда кучли даражада ўсиш ва ривожланишдан қолиш қайд этилди.

1-жадвал

Тажрибадаги ҳайвонларнинг клиник кўрсаткичлари

Текшириш вақти	Нафас сони ¹	Пульс ¹	Тана ҳарорати, °C	Шиллик пардаларнинг оқариши (%)
20.10.2015 й.	28,4	71,8	38,1	60
10.11.2015 й.	29,4	72,8	38,5	70
01.12.2015 й.	31,4	73,4	39,0	72
20.01.2016 й.	29,6	68,0	38,6	65
10.02.2016 й.	26,8	67,4	37,0	44

Хулоса.

1. Фермер хўжаликларда парваришланиётган сутдан ажратилган бузоқларнинг алиментар анемия билан касалланиши 20,9 - 26,1 фоизгача етиши мумкин.

2. Бузоқларда алиментар анемиянинг белгилари шиллиқ пардаларнинг оқариши, иштаҳанинг ўзгариши, ич кетиши, ҳазмланиш жараёнларининг бузилиши, ўсиш ва ривожланишдан қолиши, организм табиий резистентлигининг пасайиши ҳисобланади.

ТОВУҚЛАРНИНГ ФИЗИОЛОГИК ҲОЛАТЛАРИГА ИММУНОИЛ ПРЕПАРАТИНИНГ ТАЪСИРИ

Н.Хатамова – талаба, Д.Эшимов – доцент, Р.Ф.Рўзиқулов – доцент

Аннотация: Товуқчиликда биостимуллик хусусиятига эга бўлган иммуноил ҳамда ализирел витаминли, антибиотикли препаратларнинг ёш жўжаларнинг ва катта ёшдаги товуқларнинг физиологик ҳолатларига таъсир ўрганилган.

Мавзунинг долзарблиги: Республика аҳолисини чорвачилик маҳсулоларига бўлган талабини қондириш давлатимиз аграр сиёсатинининг асосий жабҳаларидан бири ҳисобланади. Республика Призидентининг қатор фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида аҳолининг чорва маҳсулотларидан сут ва гўшт маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондириш иқтисодий ҳамда сиёсий масала деб таъкидланган. Бунга мисол қилиб 1993 йилда қабул қилинган “Ветеринария тўғрисида”ги, 1995 йилда қишлоқ “Насилчилик тўғрисида”ги, 1998 йилда “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Давлат қонунларини, Вазирлар Маҳкамасининг 10 лаб қарорларини айниқса Ўзбекистон Республикаси Призидентининг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-308 сонли ҳамда 2008 йил 21-апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари мол бош сонларни ошириш ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш бўйича кўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-842 сонли қарорларида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш, жумладан чорва моллари 1-навбатда қора моллар бош сонини кўпайтириш маҳсулдорлигини ошириш билан бир қаторда уларнинг наслини яхшилаш ва сервис хизмат кўрсатишни такомиллаштириш борасида муайян ишларни амалга ошириш масаласи қўйилган.

Товуқчилик хўжаликларида турли хил стресс таъсирларнинг олдини олиш ҳисобига соғлом товуқлар подасини ташкил қилишида ҳамда уларнинг физиологик ҳолатларини яхшилаш ҳисобига касалликларнинг олди олинади ва шунинг билан бирга маҳсулдорлик кўрсаткичларини яхшиланишига эришилади.

Витаминли премикслар ёш жўжалар организмда иммуностимуллик хусусиятига эга бўлган препаратларга кириб, иммуннокапотент органлар (тимус, фабрисев халтаси, жигар ва томоқ) фаолиятини, айниқса ёш жўжаларда бу органларнинг салмоғини меъёрий ривожлантиради ҳамда инфекцион, инвазион касалликларга қарши организмнинг курашиш эҳтимолини оширади.

Бу вақтда қўлланиладиган препаратларнинг таъсирига боғлиқ, уларнинг иммуностимуллик хусусияти турлича. Айрим биоактив моддалар паррандаларнинг тухумдорлик кўрсаткичларини яхшилайдди.

Материалларни текшириш услублари: Илмий-тадқиқот ишлари 2016 йил Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, “Ветеринария” факултетига қарашли “Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакологияси кафедра” сининг илмий лабораториясида, вивариясида 30 бош “Росс – 308-бройлер” – зотли жўжаларида олиб борилди, бунинг учун уларнинг тирик вазнлари оддий тарозида ўлчанди, ҳамда 30 бош “Ломанн Браун-классик” зотига маънsub катта ёшдаги 300 кунлик 90 бош тухум берувчи товуқларда витаминли премикслар ҳамда биостимуляторларнинг тухум маҳсулдорлигига таъсири ўрганилди.